

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ УЧУН “ИНТЕРФАОЛ МУЛОҚОТЛАР МАЙДОНИ” ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Ж.Р.Ахмедов – катта ўқитувчи
Жиззах политехника институтини

Таянч сўзлар: касб таълими, ўқитувчи, инновацион фаолият, ахборотлашган таълим муҳити (АТМ), бўлажак мутахассисларни тайёрлаш, ўқув-услубий таъминот, ахборот технологиялари, ишчи дастурлар, модель.

Ключевые слова: профессиональное образование, инструктор, инновации, информированная среда обучения (ИСО), подготовка будущих специалистов, обучение и методология, информационные технологии, рабочие программы, модель.

Key words: professional education, the instructor, innovation, informed learning environment (ILE), training of future specialists, training and methodology, Information Technology, work programs, model.

Замонавий тараққиётнинг глобаллашуви негиздаги ривожланиш суръати ва даражаси жамиятни интеллектуаллаштириш муаммоларининг нечоғлик ҳал бўлаётганликлари билан белгиланмоқда. Шунинг билан бирга мамлакатимиз тараққиёти ва келажаги ҳам таълим - тарбия соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самардорликка, уларнинг жаҳон таълими талаблари билан мослиги ва амалий ҳаётдаги ўрнини қай даражада топаётганлигига боғлиқ бўлмоқда. Бу қайд этилган жиҳатлар бевосита бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнига боғлиқ бўлиб, у замонавий ўқитувчилар олдида таълимнинг инновацион метод, усул ва технология-ларидан самарали фойдаланишдек муҳим вазифаларни қўймоқда. Бунга сабаб эски услуб ва технологиялар ёрдамида инновацион таълимни амалга ошириб бўлмаяпти. Инновацион услуб ва технологияларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этишда эса интерфаол инновацион фаолият юритишга тўғри келмоқда. Шу сабабли ҳам бўлажак касб таълими ўқитувчиларини (БКТЎ) ни ахборотлашган таълим муҳити (АТМ) да инновацион фаолиятга тайёрлашни оптималлаштирувчи “Интерфаол мулоқотлар майдони”ни шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш, олиб бораётган диссертацион тадқиқот иши учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Шу сабабли тадқиқотимиз давомида бу масалага ҳам эътибор қаратдик. Бунинг учун дастлаб БКТЎни касбий фаолиятга тайёрлашдаги анъанавий таълим жараёнини ўрганиб чиқдик ва уларни манбани нима учун, ва нимага, манбани нима билан ва қандай ўқитиш каби узлуксизликдаги мантиқий саволлар негизда таҳлил қилиб чиқдик. Шунингдек, таълим жараёнида баҳолаш ишлари ҳам ва уларни қандай амалга оширишга оид турли хил назарий ишлар ҳам ўрганилиб чиқилди.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз натижалари бу борадаги ишларни замонавий тадқиқотлар негизда олиб боришни ва бунда мутахассис - олимлар илғор фикрларини ҳисобга олишни ҳамда креатив ахборотлар муҳитидан манбага мос материалларни анъанавий таълим мазмунига интеграциялаш кераклигини кўрсатди [1,2,3,4,5]. Биз уларни қуйидагидек умумий кўринишга келтириб олдик ва тадқиқотни 1- расмдаги-дек олиб бордик.

Олиб борилган таҳлилий ўрганиш ва унга бўлган тизимли ёндашув орқали қаралаётган жараён бўйича таълимни интеллектуаллаштиришга, ахборотлаштиришга, инновациялаштиришга оид бир қатор ғоялар пайдо бўлди. Буларнинг барчаси таълим сифати ва самардорлигининг оширилишига ижобий таъсир этади. Тадқиқотимизга қўйилган мақсад АТМда бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлашга оид бўлганлиги сабабли биз асосан инновацион фаолиятга мос ҳолдаги интерфаоллаштириш муаммосини ҳал қилишга киришдик. Бунинг учун пайдо бўлган ғояларни эътиборга олган ҳолда ахборотли - услубий таъминот ишлаб чиқилди. Бундаги ахборотли асосларга қуйидаги кетма - кетликда эътибор берилди:


- БКТЎни касбий фаолиятга тайёрлашда уларни кўпроқ техник ижодий меҳнат ва уни ахборотли қўллаб - қувватлашга эътибор бериш;

- БКТЎни касбий фаолиятга тайёрлашда ва унинг перифериясига мос тармоқлардан замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга эришиш;

- БКТЎнинг ижодий қобилиятларини ўстириш бўйича олиб бориладиган ишларни (фаолиятни) замонавий ахборот технологиялари асосида такомиллаштиришга эришиш;

БКТЎни инновациялаштирилган касбий фаолиятга тайёрлашга оид АТМни шакллантиришга эришиш ва шу қабилда.

Шунинг билан бирга БКТЎнинг интеллектуал салоҳиятли бўлиши, замонавий илм - фан ва техника - технологиялар ютуқларидан хабардорлиги, айниқса уларнинг умумий саводхонлиги қанчалик юқори бўлса касбий кўникма ва малакалари шунчалик ортиб боради, ақлий - ижодий фаолиятга ва илмий - техник саводхонлиги жараёнига кириб бориши самаралироқ кечади.



1- расм. “Интерфаол мулоқотлар майдони”нинг ташкилий - тўғриқилим модели.

Шуларни эътиборга олиб БКТЎни касбий фаолиятга тайёрлашда қуйидаги кўринишдаги услубий асосларга эътиборни қўйишнинг лозим, деб топдик:

- ахборот маданиятини шакллантиришга умумтаълим мактабларидаги, академик лицейларидаги ва касб - ҳунар коллежларидаги пропедевтик материаллар ва атрофдаги оммавий ахборот воситалари, замонавий компьютерларнинг (интеллектуаллаштирилган таълим воситаларининг ҳам) ҳаётнинг турли жабҳаларига кенг кириб бориши, жойлардаги компьютерли ўйинлар хоналари борлиги, информатика йўналишдаги БКТЎни касбий фаолиятга тайёрлашда дидактик омиллардан бири бўлади ва улардан мақсадли фойдаланиш механизминини ишлаб чиқиш керак;

- информатика йўналиши бўйича БКТЎни тайёрловчи техника олий ўқув юртинининг ўқув режасига тегишли фанларни ўрганишдаги мазмун ва мақсад касбий фаолиятни такомиллаштирувчи инновацион услублар мақсади ва вазифалари билан интеграцияланган ҳолда улар бир - бирини бойитиши ва тўлдириши албатта эътиборга олинмоғи лозим ва буларда олий ўқув юрти ихтиёридаги соат блокдан самарали фойдаланишга эришиш керак бўлади;

- БКТЎни касбий фаолиятга тайёрлашда касбий компьютерли ўйинлар, интеллектуаллаштирилган

ўқитиш тизимларидан ва компьютерли тренажёрлардан оқилонга фойдаланишга эришиш;

- БКТЎнинг касбий фаолиятини инновациялаштиришда универсал дидактик қурилмалардан, жумладан мультимедияли технологиялардан фойдаланиш дарс самарадорлигининг оширилишига ва олий ўқув юртидаги моддий - техника базанинг бойитилишига мунтазам равишда эътибор бериш лозим бўлади;

- БКТЎни касбий фаолиятга тайёрлашда “Интерфаол мулоқотлар майдони”ни, “Бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг йўл харитаси технологияси”, “Тизимий ёндашув”, “Тизимли таҳлил”, индукция методи каби илғор интерфаол услуб ҳамда технологиялардан фойдаланиш бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг инновацион таълим технологиясини таъминлаш доимо эътиборда бўлиши лозим ва шу қабилар.

Энди қайд этилган анъанавий таълим жараёнини таҳлилий ўрганиш натижалари, креатив ахборотлар мухити, мутахассис - олимлар илғор фикрлари ва улар асосидаги ахборотли - услубий таъминотлар негизида инновацион дастур ва унга мос инновацион ўқув - дастурий таъминотни ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Бунда инновацион дастур ишлаб чиқишда қуйидагилар дидактик асос сифатида фойдаланилди:

- ахборотли - услубий таъминот ишининг самарадорлиги бўйича кўрсаткичларни белгилаб олиш;

- инновацион ўқув - дастурий ва инновацион дастурий - дидактик таъминотлар иши натижаларининг таҳлили ва улар асосида лозим топилганда дастурий - методик тизимнинг тузилмасига тузатишлар киритиш;

- олий ўқув юртидаги профессор - ўқитувчиларни АТМ негизида таълим бериш тизими билан ва шу асосда яратилган компьютерли тизимнинг ишчи - мулоқотли дастурлари билан таништириш ва шу қабилар.

Ушбу инновацион дастур негизида БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг инновацион ўқув - дастурий таъминотини ишлаб чиқишга эришилди. Уни амалиётга жорий этиш қуйидагича амалга

оширилади:

- ўқув - дастурий таъминотни ишлатиб кўриш (дастлабки эксперт-тизадан ўтказиш);

- ўқув - дастурий таъминотни амалда қўллаш натижаларини таҳлил қилиш;

- ўқув - дастурий таъминотдан амалиётда фойдаланишга топшириш;

- ўқув - дастурий таъминотни амалиётга жорий этиш бўйича йўриқ-нома, методик тавсия ва шу қабиларни тайёрлаш.

БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашдаги инновацион дастурий - дидактик таъминотни ишлаб чиқишда “Ахборотлашган таълим муҳитида кичик мутахассислар тайёрлашнинг илмий - методик таъминоти” номли тадқиқот ишидаги инновацион дастурий - дидактик таъминотни мўлжал қилиб олдик [1].

Демак, биз “Интерфаол мулоқотлар майдони”ни шакллантиришнинг ташкилий - тузилмавий моделида кўрсатилгандек марказий АТМ бошқариш блокига тегишли дидактик асосларни тайёрлаб олдик.

Тадқиқотимизнинг ушбу қисмида хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ҳозирда ҳаётнинг барча жабҳаларидаги мавжуд техника - технологиялар БКТЎни таълимни ахборотлаштириш методлари билан самарали фойдалана оладиган, уларни такомиллаштириш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган қилиб тарбиялаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади ва тавсия этилган интерфаол технология таълим олувчиларнинг таълим жараёни олдидagi имкониятларини очиб таълим тизимлари ёрдамида кенгайтиришда ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини мунтазам равишда ривожлантириб боришга эришишни таъминлайди.

Таклиф этилаётган “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологияси универсал характерга эга бўлиб, ундан нафақат БКТЎни инновацион фаолиятга тайёрлашда, балки ихтиёрий йўналиш бўйича бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин бўлади ва бу орқали улар инновацион таълимни таъминлай олади.

Адабиётлар

1. Савурбаев А., Тошпулатов М., Тавбоев С.А., Ахмедов Ж.Р. К вопросу построения системы интеллектуальной поддержки принятия решений в системных исследованиях. - Чита: // “Молодой учёный”. № 3 (38), февраль 2012, -С. 75-79.
2. Савурбаев А., Тўракулов О.Х., Ахмедов Ж.Р. Поэтапное формирование теоретико-методологических основ образовательной среды. // «Научный прогресс». №5 (май). 2018. - С. 10-11
3. Тўракулов Х.А. Педагогик тадқиқотларда ахборот тизимлари ва технологиялари. Монография. - Т.: “Фан”, 2007. 248-б.
4. Тўракулов Х.А. ва бошқалар. Илмий тадқиқот асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: Fan va texnologiya, 2011. 484-б.
5. Ахмедов Ж.Р. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ҳаракатлар стратегияси. // “Ta’lim, fan va innovatsiya” -Т.: 2019. №2. 68-74-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш учун “Интерфаол мулоқотлар майдони” технологиясини ишлаб чиқиш масаласи қаралади. Мазкур мақоладан бўлажак мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш муаммоси билан шуғулланувчилар фойдаланиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается разработка технологии интерактивной платформы для подготовки будущих учителей профессионального образования к инновационной деятельности. Материалы статьи могут быть использованы всеми, кто интересуется вопросами улучшения качества подготовки будущих специалистов.

SUMMARY

The article discusses the development of an interactive platform technology for preparing future teachers of vocational education for innovative activities. The materials of the article can be used by all people who are interested in improving the quality of training future specialists.

ЎҚИШ, НУТҚИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ИНСОН ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Ш.А.Атаев - филология фанлари номзоди

Миллий гвардия ҳарбий-техник институти

Таянч сўзлар: нутқ фаолияти, ўқиш, тавсиф, матн, ўргатиш, бадий адабиёт.

Ключевые слова: речевая деятельность, чтение, характеристика, текст, обучение, художественная литература.

Key words: speech activity, reading, characteristics, text, teaching, imaginative literature.

Ҳозирги кунда ёшларимизнинг дунёвий билимлардан воқиф бўлиши, тафаккурини такомиллаштириши орқали уларда Ватанга муҳаббат туйғусини оширишга давлатимиз катта эътибор

бермоқда. Бунинг яққол исботи сифатида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси